Мусобақа самарадорлигини оширайлик

# ҲАММАМИЗНИНГ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига Мурожаатномаси барча меҳнат коллективларининг янги меҳнат жўшқинлигини ва ижтимоий-сиёсий активлигини юзага келтирди. Минглаб меҳнаткашлар, бригадалар, цехлар, участкалар, корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашга, социал-маданий объектлар ва маиший объектлар қурилишини жадаллаштиришга қаратилган қўшимча социалистик мажбуриятлар қабул қилишяпти.

Жумладан, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи радиомонтажчилар бригадаси (бригада бошлиғи Л. Бондарева) меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига қадар бажариш бўйича янги социалистик мажбурият қабул қилди. Бу ташаббусни заводда 114 бригада қўллаб-қувватлади.

«Миконд» заводининг минглаб ишчиси совет халқи ҳаётидаги бу шонли санага қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили топшириғини бажариш мажбуриятини олишди. 2502, 2505, 2512, 2515-автоколонналар ва 39-автокорхона, 141-автобаза, 5-таксопарк коллективлари, «Главташкентстрой»нинг кўпгина бошқармалари ва қурилиш бригадалари ва бошқа идораларнинг коллективлари ҳам худди шундай оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Тошкент асбобсозлик заводи коллективи юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Унда меҳнат унумдорлигини пландаги даражадан 1,6 процент (илгари белгиланган бир процент ўрнига) ортиғи билан адо этиш, йиллик план-топшириғини 26 декабрда (29 декабрь ўрнига) бажариш, планга қўшимча 100 минг сўмлик ўрнига 130 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотни 49 процентга етказиш белгиланди.

Шуниси муҳимки, меҳнат коллективлари ишга комплекс ижодий ёндошяптилар. Жумладан, тошкентликлар бўш кунлари маданий-маиший объектлар қурилишида ишлаб бериш мажбуриятини олган автоВАЗчилар ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Асбобсозлик заводи ишчилари ўзларининг янги мажбуриятларида тўрт бўш иш кунида маданий-маиший объектлар қурилишида, шу жумладан, икки кун завод стадионида меҳнат қилишни ёзиб қўйишди.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия-хўжалик активи йиғилиши юксак активлик вазиятида ўтди. Бирлашма коллективи КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасига жавобан қўшимча социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Уларда 1990 йил 7 ноябрга қадар товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми бўйича беш йиллик планни бажариш, планга қўшимча 700 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, тажриба ишлаб чиқаришида асосий фондларнинг камида 12 процентини ҳар йили янгилаш, ўн иккинчи беш йилликда (ишчилар миқдорини кўпайтирмай) махсус технологик ускуналар ишлаб чиқаришни бир ярим баробар, автоматик ва ярим автоматик линиялар ишлаб чиқаришни 3,3 баробар кўпайтириш ва унинг ҳисобига соҳа корхоналарида 2 минг иш жойини камайтириш, 2700 дан кўпроқ ишчини шартли равишда ишдан озод қилиш белгиланди.

Бундан ташқари «Главмашхлопководство» заводларида янги пластмасса деталларни жорий этиш ҳисобига 30 минг тонна металл прокатини тежаш кўзда тутилди. Бригада пудрати усулини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Наинки, меҳнатни рағбатлантириш ҳисобига ишчилар миқдорини кўпайтирмасдан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини чорак қисмга кўпайтирилади. Бир қатор бригадалар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашни мақсад қилиб қўйишди.

Булар ҳаммаси меҳнат коллективларининг ўсиб бораётган ижодий ва меҳнат куч-ғайратидан далолат беради. Бугунги кунда мамлакат экономикасида юз бераётган ўзгаришлар аниқ ва равшан намоён бўляпти. Улар биринчи беш йилликлар даврида халқ хўжалигининг барча жабҳаларидаги зарбдор меҳнатга ҳамоҳангдир. Бугунги кунда касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг бурчи бу меҳнат шижоатини қўллаб-қувватлашдан, новаторлар тажрибасини барчанинг мулкига айлантиришдан, оммавий ҳаракат қатнашчиларини ҳар томонлама рағбатлантиришдан иборатдир. Бу кишилар учун энг юксак меҳнат унумдорлиги кундалик нормага айланиб қолди.

Бу ерда бир нарсага аниқлик киритиш керак: ўн иккинчи беш йилликда мусобақа маҳсулот сифатини ўстиришнинг қудратли омили бўлмоғи лозим. **«Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки,** — деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида, — **юксак сифат учун курашда беллашув ва коллектив изланишнинг имкониятлари чиндан ҳам чексиздир».** Ишлаб чиқаришдаги ишнинг аҳволини таҳлил қилиш шуни кўрсатаяптики, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пастлиги натижасида юз берадиган йўқотишлар меҳнат унумдорлигининг пасайишига, пасайганда ҳам салмоқли миқдорда — 25 процентгача пасайишига тенгдир.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленумида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, бугунги кунда машиналар, ускуналар, кенг истеъмол буюмлари сифатини яхшилаш бўйича дадил қадамлар қўйиш мумкин ва зарур. Бу вазифанинг амалга оширилишига коллектив изланиш, ижодкорлик, мусобақанинг барча қатнашчиларининг куч-ғайрати ёрдам бериши керак.

Шуниси диққатга сазоворки, шу кунларда меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Маҳсулот сифатини тубдан кўтариш бўйича тадбирлар тўғрисидаги қарори»ни чуқур ўрганаяпти. Барча бирлашмаларда ва корхоналарда, цехларда ва участкаларда сифат группалари ташкил этиш, уларга оммавий жамоат ҳаракати тусини бериш мақсадга мувофиқдир. Яқинда СССР Давлат меҳнат комитети, СССР Давлат стандарти ва ВЦСПС сифат группалари тўғрисида типовой низомни тасдиқладилар. Бу касаба союз ва хўжалик раҳбарларига ташкилот ташкил этиш ва унинг фаолиятини рағбатлантиришда қўл келади.

Сифат учун самарали кураш ташкил этиш касаба союзларнинг муҳим бурчидир. Социалистик мусобақа унинг қатнашчилари куч-ғайратини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга ва асосан энг яхши жаҳон намуналаридан юқори турадиган буюмлар яратишга қаратиш лозим. У ҳар бир меҳнаткашда фабрика, завод маркаси шарафи учун масъулият ҳиссини тарбиялаши зарур.

Аммо мусобақанинг вазифаси катта вазифаларни бажаришда кўмаклашишдангина иборат эмас. Унинг қатнашчилари ижодий куч ғайратини планга қўшимча тежамкорликка эришишга қаратмоғи лозим. Бу жуда муҳим, чунки тежамкорлик ҳисоблари ишчиларда халқ мулкига ишни кўзини билиб, омилкорлик билан муносабатда бўлиш, пировард натижалардан манфаатдорлик каби ажойиб фазилатларни тарбиялайди.

План - топшириқларининг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан фан-техника тараққиётининг ривожланишига ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантиришга боғлиқ. Янги қувватларни тезда ўзлаштириш, ишлаб чиқаришда ихтирочилик ва рационализаторчилик таклифларидан кенг фойдаланиш, янги техникани, илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддатларини қисқартириш, объектларни реконструкциялаш — булар социалистик мусобақа муваффақиятли ҳал этилишига ёрдам бериши лозим бўлган вазифалардир.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари олимлари ва мутахассислари зиммасида алоҳида маъсулият ётади. Олимлар, мутахассислар, инженер-техник ходимларнинг ижодий активлигини ўстиришда шахсий ва коллектив ижодий планлар муҳим восита бўлиши лозим. Уларда янги техникани яратиш ва жорий этиш, меҳнат ҳажмини камайтириш, меҳнат шароитини яхшилаш учун қўшимча улушлар кўзда тутилмоғи керак.

Бугунги кунда мусобақа илмий ва инженер-техник ходимларнинг ишчи коллективлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашуви лозим. Корхона ва ташкилотларнинг, илмий-техника жамиятларининг касаба союз комитетлари инженерлар, конструкторлар, технологларнинг ишлаб чиқариш бригадалари билан социалистик мажбуриятларини инженерлик жиҳатдан таъминлаш бўйича шартномалар тузишда ташаббускор бўлишлари лозим.

Маълумки, самарали экономикани қаттиқ план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомисиз, тартиб ва уюшқоқликсиз тасаввур этиб бўлмайди. 1987 йил 1 январдан янгича тартиб жорий этилади. Бунда тузилган шартномага биноан маҳсулот етказиб бериш бўйича топшириқ ва мажбуриятларни 100 процент бажариш бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолияти натижаларини баҳолашнинг асосий мезони бўлади. Мусобақага якун ясалганда бу мезон ҳозирнинг ўзида асосий ҳисобланади.

Биз бундан ташқари маҳсулотларни ўз вақтида, зарур бўлганда муддатидан илгари етказиб берилишини таъминлашда коллективлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг самарали воситаси сифатида шериклар ўртасида мусобақа ташкил этиш даражасини кўтаришимиз зарур.

Ўз коллективининг обрў-эътибори учун шахсий масъулиятни тарбиялашда касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари мусобақа имкониятларидан тўлароқ фойдаланишлари лозим. Меҳнат интизомининг ва жамоат тартибининг аҳволи мусобақани баҳолашнинг асосий мезонларидан бўлиши зарур.

КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномаси асосида илғор тажрибадан фойдаланишни, уни жорий этишни жадаллаштириш ишини тубдан яхшилаш лозим. Энг юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришган коллективлар базасида меҳнатнинг новаторлик усуллари ва методларига ўқитиш мактаблари ташкил этиш масаласини тезда ҳал этиш лозим.

Касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари мусобақани расмиятчиликдан холи қилиб боришлари, уни ташкил этишни такомиллаштиришлари, социалистик мажбуриятларни иқтисодий асослашга эришишлари, ишчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш формаларини такомиллаштиришлари зарур. Ички завод мусобақаси меҳнат унумдорлиги бўйича соҳада юксак натижаларга эришишга, планга қўшимча фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлашга йил мобайнида икки кун ва ундан кўпроқ тежалган материаллар билан ишлашга қаратилиши зарур.

Мусобақа шартлари, унинг кўрсаткичлари миқдори беш йиллик вазифаларига мувофиқ келиши, меҳнат натижаларининг таққосланиши, мусобақадошларга тармоқ ва территориал талаблар бирлигини таъминлаши лозим. Якунлар чиқарилаётганда мусобақа шартидан чекинишга йўл қўймаслик керак.

Мусобақани такомиллаштириш бўйича ишда хўжалик раҳбарлари ролини ошириш зарур. Меҳнаткашларнинг фикрига қулоқ солиш уларнинг қизиқишларини билиш, нуқсонларни ўз вақтида пайқаб, бартараф этиш ҳар бир хўжалик раҳбари, шунингдек касаба союз ходими олдига қўйиладиган талабдир.

Биз беш йилликнинг биринчи йили иккинчи ярмига қадам қўйдик. Биринчи ярим йиллик натижалари чакки бўлмади. Жумладан, Ўзбекистон пойтахти индустрияси январь-июль ойларининг ўзида планга қўшимча 35.361 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу мажбуриятда белгиланганидан 17,8 миллион сўм кўпдир.

Йилнинг ўтган даври мобайнидаги иш натижаларини таҳлил этиш шуни кўрсатаяптики, экономикани ривожлантиришдаги ижобий тенденциялар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш суръатларини, ишнинг сифат кўрсаткичлари бўйича план-топшириқларини уддалай олмаётган корхоналар ҳам талайгина. Масалан, маҳсулот реализация қилиш ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик топшириқни уддалай олмаган корхоналар орасида «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик заводи, дурадгорлик, резина-техника буюмлари, экскаватор заводлари, 1-пойафзал фабрикаси, «Ўзбекистон» табиий ва сунъий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошка корхоналар бор. Шаҳарда сифатнинг олий категориясида маҳсулот ишлаб чиқариш, асосий фондларни ишга тушириш ва капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича ярим йиллик топшириқлар бажарилмади, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича ярим йиллик план барбод бўлди.

Ҳар бир меҳнат коллективида планларни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини чуқур муҳокама қилиш, барча резервларни ишга солиш, 1986 йил учун белгиланган топшириқларни тўла ва ошириб бажариш учун барча зарур чораларни кўриш ва шу асосда ўн иккинчи беш йиллик планларини муваффақиятли амалга ошириш учун замин яратиш муҳимдир.



Лидия Шуварина Тошкент химия-фармацевтика заводининг ветеран ишчиларидандир. У Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга эга. Кўп йиллик ҳалол хизматлари учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. Ветеран ишчи ампулали дори-дармонлар тайёрлашда катта тажриба тўплаган. Бу унга кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаб, ойлик топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этиш имконини бераяпти.

Суратда: ветеран ишчи Лидия Шуварина.

## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

### Исроил бош министрининг визити

**НЬЮ-ЙОРК.** Тель-Авивдаги расмий манбаларга суяниб Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар қилишича, Исроил бош министри Перес қирол Ҳасан билан музокаралар олиб бориш учун жуда махфийлик вазиятида ҳарбий самолётга тушиб Марокашга учиб кетган. Бу визитдан мақсад Яқин Шарқдаги «нормаллаштириш жараёнини жонлаштиришдан» иборатдир, деб уқтиради агентлик. Марокаш қироли «Исроил билан Иордания ўртасида кўприк» вазифасини адо этиши керак, дейилади хабарда.

Кузатувчилар бу ерда гап Исроил ва уни қўллаб-қувватлаётган Қўшма Штатлар Яқин Шарқ можаросини Кэмп-Дэвид қабилида бартараф этиш таслимчилик вариантларини уни қатъиян рад этган шу араб мамлакатларига тиқиштиришга яна бир уриниш тўғрисида бораётир, деб ҳисобламоқдалар. Бу ерда гап империалист ва сионист доиралар араб халқларининг туб манфаатларини камситувчи сепарат битимларга янги-янги мамлакатларни ҳам тортиш ҳаракатида эканликлари тўғрисида ҳам бораётган кўринади. Исроиллик агрессорлар босиб олинган араб ерларидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга тайёрликларини кўрсатиш у ёқда турсин, балки очиқдан-очиқ оккупация режимини абадийлаштириш ва янги территорияларни қўшиб олиш йўлидан бораётган бир пайтда шундай ҳаракатлар қилинмоқда.

### Экспертлар кенгаши

**ВЕНА.** БМТ халқаро Вена марказида халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) ҳукумат экспертларининг кенгашида 56 давлат ва 9 халқаро ташкилотдан 150 га яқин вакил қатнашмоқда. Улар икки битим лойиҳасини: ядро реакторларидаги носозликлар ва авариялар тўғрисида эрта хабар бериш системасини яратиш тўғрисидаги ҳамда шундай авариялар чиққудек бўлса ўзаро ёрдам бериш ҳақидаги битимларнинг лойиҳаларини қарийб бир ой мобайнида муҳокама қиладилар.

Бу кенгаш ядро энергетикасини бехатар ривожлантириш халқаро режимини тузиш тўғрисидаги Совет Иттифоқининг маълум таклифини амалга ошириш жараёнида ўтказилмоқда.

МАГАТЭ бош директори Х. Бликс биринчи мажлисни очиб, қатнашчиларни атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш борасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга даъват этди.

### Португалия



Португалия пойтахтида 86—Тинчлик оммавий марши бўлиб ўтди. Унда ўн минглаб киши қатнашди. Улар Вашингтон ва НАТОнинг қуролланиш пойгасини авж олдираётганлигини, уларнинг коинот кенгликларини милитаризациялаштиришга бўлган хатти-ҳаракатларини кескин қораладилар. Тинчлик марши империализмнинг авантюристик сиёсати натижасида инсоният боши узра хавф солаётган ҳарбий тайёргарликни бартараф этиш учун курашга чақирувчи Португалия халқининг қудратли намойишига айланди.

Суратда: тинчлик марши қатнашчилари.
Г. Петров фотоси.
ТАСС.

Қиш тайёргарликни ёқтиради

## Вақт кутиб турмайди



Комсомол аъзоси Одил Қосимов ўрта мактабда ўқиб юрганда ишчилар синфи сафида меҳнат қилишни орзу қиларди. Шунинг учун ҳам етуклик аттестатини олиши билан подшипниклар заводига ишга кирди. Бугунги кунда Одил Қосимов корхонанинг илғор силлиқловчиларидан саналади. Ҳозир у коллективда ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун давом этаётган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, смена топшириқларини 125—130 процентга етказиб адо этаяти.

Суратда: илғор силлиқловчи Одил Қосимов.
М. Нуриддинов фотолари.

Албатта, халқда айтилганидек «Қиш қишлигини қилади». Бунинг учун эса қишга тайёргарлик кўришни қиш қачон бошланаркин, деб кутиб ўтирмай ҳозирдан, яъни имкон ҳам, вақт ҳам бор пайтдан бошлаш керак. Қишга шунчаки, хўжакўрсинга «тайёргарлик» кўриш оқибатида вужудга келган оворагарчилик, ортиқча югур-югурлару асаббузар ташвишлар айниқса Юнусобод массиви истиқоматчиларига яхши маълум. ЖЭУ раҳбарлари, бошқа қатор тегишли ташкилотларнинг эътиборсизлиги туфайли ушбу массив аҳолиси учун ҳақиқатан ҳам «қиш қишлигини қилди». Ўтган қишку майли, сал иссиқ келди, бироқ шунга қарамасдан кўпгина уйлар исимади.

Умуман шу йилнинг 1 июлига қадар бўлган маълумотга қараганда Киров райони бўйича маҳаллий Советларға қарашли уйлар 1117 тани ташкил этади. Маълумки, уйларни қишки мавсумга тайёрлашда иссиқлик трассаларининг бекаму кўстлиги билан бир қаторда шу уйларнинг ремонти, таъмир ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин ўз вақтида қилинган ремонт ҳам қишга тайёргарликнинг асосий омилларидан биридир. Район бўйича шу йил ҳисобига 1.355 минг сўмлик ремонт ишлари бажарилиши мўлжалланган. Албатта, бу кўрсаткичга жуда секинлик билан эришилмоқда. Ёки баъзи жойларда белгиланган ремонт ишлари ошиғи билан бажарилаётган бўлса, баъзи жойларда умуман бажарилмаяпти, яъни ишлар ўлда-жўлда. Капитал ремонт плани бўйича 2.538 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланган. Бироқ баъзи материалларнинг, масалан оддий линолиумнинг ўз вақтида етказиб берилмагани натижасида ишда узилишлар рўй бермоқда. Бу сўзлар фойдаланишга топширилиши лозим бўлган уйларга ҳам тааллуқлидир. Тўғри, йилнинг ўтган ойлари давомида томларнинг енгил ремонти бўйича белгиланган план бажарилгандай бўлинди. Тўртта уй ўрнига 5.198 квадратметрни ташкил этадиган олтита уй ремонтдан чиқарилди. Бироқ, қишга тайёргарлик бўйича белгиланган планларнинг улкан фонида бу кўрсаткичлар шунчаки гаплардай бўлиб туюлади.

Айни пайтда райондаги 51 та уйни батареяли иситиш системасига ўтказиш мўлжалланган. Ва бу иш ташкилотларга бўлиб берилган. Ҳозирга қадар шу уйларнинг 41 тасида олиб борилаётган ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Баъзан ҳатто оддий таъмир ишлари ҳам сусткашлик билан бажарилмоқда.

Албатта, бу ўринда пландаги моддий-техника таъминотининг ҳам яхши йўлга қўйилмаганини айтиб ўтиш лозим. Ремонт ишлари учун жуда ҳам зарур бўлган эҳтиёт қисмлар етказиб беришдаги узилишлар, баъзан ҳатто бу масъулиятли ишга даҳлдор шахсларнинг ўта бепарволиги ремонт ишларини чўзиб юбормоқда. Масалан, 1482 та батарея керак бўлган пайтда борйўғи 794 та етказиб берилса, бу билан қандай қилиб ишларни бир маромга етказиш мумкин! Ёки бўлмаса 42 тонна ўрнига 18 тонна газ қувурлари, 11120 та ўрнига атиги 500 та чўян арматура, 1900 ўрнига 120 та рангли металлдан қилинган арматура ва ёки 700 та ўрнига 10 тагина чўян задвижкалар ажратилган бўлса, табиийки, бундай «кўрсаткич»лар билан қишга пухта тайёргарлик тугул, ёзги ишларни ҳам битказиб бўлмайди.

Киров районида уй-жой фонди кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Уй-жой фондининг моддий-техника таъминоти эса ана шу ривожланишдан ортда қолиб кетмоқда. Район уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси раҳбарлари бу ҳақда биринчи навбатда қайғуриб амалий чора-тадбирларни кўрмоқлари керак. Ҳозир районда 15 та ЖЭУ мавжуд бўлиб, уларнинг фаолиятини ҳам қишга тайёргарлик ишлари билан узвий боғлиқ ҳолда кучайтириш зарурдир. Ҳолбуки, район ЖЭУларида олиб борилаётган ишлар, уй-жой фондларидан фойдаланишни яхшилаш, уларни сақлаш ва ремонт қилишда жиддий нуқсонлар бор. Бу ишлар шу куннинг талабларига жавоб бермайди.

Қишгача ҳали анча вақт бор. Бироқ бу муддат хотиржамликни «таъминлаш» учун эмас, балки жиддий тадбирларни амалга ошириш учун муҳимлигини эсдан чиқармаслик керак. Биринчи навбатда ремонт ишлари, қишга тайёргарликнинг пухта бўлиши учун комплекс равишда иш олиб бориш, ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керак.

В. АБРАМСОН.

## ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил жазо отрядлари ва унинг қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»га мансуб гумашталари жойларни тинтиб чиқиш борасида катта кўламдаги операция ўтказдилар. Сарбин, Айната ва Ятер қишлоқларида оммавий тинтувлар ўтказилди. Кфар-Румман ва Араб-Слим қишлоқлари ваҳшиёна тўпга тутилди. Босқинчилар шундай чоралар билан Ливан халқининг хоҳиш-иродасини бостиришга ва уни ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашдан воз кечиришга уринмоқдалар.

Ўтган кунлар қарама-қарши гуруҳлар ўртасида отишмалар кучайди. Байрутда, Юқори Метнада, Сук ал-Ғарб, Кфар-Шима ва Айтат аҳоли пунктлари районида гранатомёт ва милтиқ отишмалари бўлди.

Ғарбий Байрутдаги осойишта вазият сақланмоқда. Маъмурият вакиллари яқин фурсатда Ливан пойтахтининг шиа аҳолиси яшайдиган жанубий чеккаларида хавфсизликни таъминлаш режаси амалга оширила бошланиши кераклигини эълон қилдилар. «Амал» ҳаракатининг раҳбари Н. Берри ўз ташкилотининг ҳамма аъзоларига шу планни амалга оширишда ёрдам бериш тўғрисида кўрсатма берди.

Ливан ватанпарварлари исроиллик босқинчиларга зарба устига зарба бериб турибдилар. Партизанлар Ғарбий Бекаадаги Аҳмадия қишлоғи районида босқинчиларнинг мустаҳкамланган позициясига ҳужум қилдилар. Жанглар чоғида душман аскар ва техникасидан сезиларли талафот берди.

### КАЛЕЙДОСКОП

**ИЧУВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА**

**Германия Федератив Республикасида спиртли ичимликлар ичувчи кишилар сони тобора ортиб бормоқда, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Бонида худди ана шу мавзуга бағишланган махсус доклад эълон қилиниб, унда таъкидланишича 1975 йилга нисбатан спиртли ичимликларга ружу қўйганлар сони бир неча минг кишига кўпайди. Масалан, ўша йили 900 минг кишидан ортиқ ичувчи бўлса, ҳозирда бу рақам бир ярим миллион кишига кўпайган.**

**ЎРМОН ЁНҒИНИ**

**Португалия ўрмонларида катта ёнғин рўй берди. Фақат кейинги бир неча ҳафта ичида Лиссабондан шимолга чўзилган минглаб гектар ўрмонзорларни ёнғин култепага айлантирди. Шаҳар мэри Виле де Реянинг айтишича, ёнғин маҳаллий аҳоли учун жуда катта талафот ва кулфат келтирди. Чунки улар асосан ўрмон хўжалиги билан шуғулланиб, корхоналарга ёғоч тахта етказиб берардилар. Эндиликда табиий ўрмонларни қайта тиклаш ғоят оғир. Кўп минг сонли ўт ўчирувчилар бўлинмалари табиий офат билан курашмоқдалар.**

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

## ШАМОЛ ЮК ТУШИРАДИГАН БЎЛДИ

Жамбул енгил ва озиқ-овқат саноати технология институтининг студентлари сунъий шамолни юк туширувчи бўлиб ишлашга мажбур қилдилар. Улар бошқариладиган ҳаво оқимини картошка туширувчи принципиал янги комплексга замин қилиб олдилар.

Студентлар ишга киришаётиб, картошкага нималар шикаст етказишини ўрганиб чиқдилар ва бошқариладиган ҳаво оқими унга «озор» бермайди, деган фикрга келдилар. Шу тахлитда пневматик юк туширувчи дунёга келди.

Янгиликни бошқариш осон. Контейнер майдонига вагон берилади. Оператор қурилмани ишга солади ва кучли ҳаво оқими картошкани қувурлар орқали бункерга юборади.






Сибирнинг Иркутск шаҳри ўзининг уч юз йиллик ёшини нишонлайди.

Суратларда: шаҳарни безатиш; Ангара дарёси узра эски шаҳарни янги микрорайонлар билан боғловчи кўприк.

Э. Бюханенко фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

## ЭЛЕКТРОН ИСИТУВЧИ

Фойдаланишга қабул қилиб олинган иссиқ сув билан таъминлаш автомат бошқариш системасининг биринчи марказий пункти Ленинграднинг янги уй-жой массивида иссиқ сув беришни тез ростлашда ёрдам беради. Об-ҳаво ўзгаришларини назарда тутувчи автоматика ёқилғи, энергия ресурсларини рационал тартибда ишлатади. У ҳозирнинг ўзида иситиш мавсумига тайёргарлик ишларида қатнашмоқда.

Шаҳар хўжалигининг шу тармоғига электроникани жорий этиш — Ленинград экономикасини интенсивлаш программасида кўзда тутилган «Тепло» автомат бошқариш системаси яратишнинг бир босқичидир. Электрон «иситувчи» микрорайоннинг ҳар бир кўп қаватли уйидаги иситиш системасини ҳам текшириб чиқиб, уни ростлаб қўя олади. Одам приборларни кузатиб туриш билангина шуғулланади.



«Грузрибхоз» ишлаб чиқариш комбинати йил бошидан буён республиканинг савдо тармоқларига 650 центнер тирик балиқ жўнатди. Йил бошида планлаштирилганидан бир ярим марта кўп маҳсулот тайёрланди.

Грузиядаги балиқчилик хўжаликлари яқин келгуси йиллар ичида республика аҳолисини ранг-баранг балиқ маҳсулотига бўлган талабини қондиради.

Суратда: Накалакевский қишлоғидаги балиқ урчитиш хўжалигининг иккинчи участкасида бош балиқчи Муртаз Жидихия (ўртада), балиқчилар Роза Гавриленко ва Жондо Вахания.

Г. Киквадзе фотоси.
ТАСС фотохрникаси.

Билиб қўйган яхши

## Ичкилик — умр заволи

✦ Ичилган ҳар юз грамм ичимлик спортчини икки ҳафтага ишдан чиқаради.

✦ 1000 га яқин тентак болаларнинг 500 тасида отаси, 70 тасида онаси, 70 тасида ҳам отаси, ҳам онаси спиртли ичимлик истеъмол қилар экан.

✦ Тутқаноқ касаллигига дучор бўлган юзта боланинг 60 тасида ота-онаси арақхўр бўлган.

✦ Ҳисоблаш каби оддий вазифалар оғзаки ёки ёзма равишда бажарилганда ичилган 20—25 грамм ичкилик иш суръатининг пасайишига олиб боради ва хатолар сонини оширади. Бундай пайтда ҳарф терувчиларда ҳарф териш тезлиги 15 процентга камаяди, машинисткаларда эса ёзиш суръати 25 процентга сусаяди.

✦ Ичкиликбозда хотира ниҳоятда ёмонлашиб қолади. У бўлаётган воқеаларни яхши идрок эта олмайди, қайси кун, ой, йил эканини билмайди, ҳатто ётадиган жойини, бугун нима овқат еганини эслолмайди.

# «Оқшом»га ХАТЛАР

✦ Жанговар йиллар хотираси
✦ Юксалиш уфқлари
✦ Музика ва қўшиқ шинавандалари учун
✦ Хизмат сифатига эътибор

Сўнмас у кунлар шуҳрати

## ЖАСУР КОМАНДИР

1945 йилнинг февраль ойи. Қизил байроқли учинчи даражали Суворов орденли, 1054-ўқчи полки зиммасига Одерни сузиб ўтиш ва қўшни ҳарбий қисмларнинг ҳам дарёдан ўтиб олиши учун шароит вужудга келтириш вазифаси юклатилди. Бу ғоятда мушкул топшириқ эди. Чунки Одер дарёсининг нариги қирғоғига манфур фашистлар «кана»дек ёпишиб олган бўлиб, ҳар бир қарич ер учун жон-жаҳди билан курашарди.

Зим-зиё тун. Дарё юзидаги қуюқ тумандан фойдаланиб ўтиш бошланди. Зум ўтмай душман эгаллаб турган қирғоқда отишма бошланиб кетди... Содиқ Умаров бошлиқ взвод жангчилари душманни ғафлатда қолганлигидан фойдаланиб муҳим стратегик позицияни эгаллаб олишди... Душман жангчиларимизни орқага чекинтириш учун кунига саккиз марта ҳужум қилди. Бироқ совет жангчилари ғаним билан юзма-юз мардонавор курашди. Ўз мақсадига эриша олмаган маккор гитлерчилар танкларни, артиллериянн, бронетранспортёрларини ишга солди. Душман қанчалик катта куч билан ҳужум қилмасин, матонатли, жасур жангчиларимиз плацдармни қўлдан бой бермадилар. Одер дарёси соҳилида жангларнинг ўн иккинчи куни кутилмаганда жуда осойишталик ҳукм сурди. Бироқ бу ҳол узоққа чўзилмади. Ҳал қилувчи жангга шайланган душман қарши ҳужумга ўтди. Ўртада қаттиқ, ҳаёт-мамот жанги бошланиб кетди. Немисларнинг олтинчи ҳужуми қайтарилаётган пайтда батальон командири Зайцев яраланиб, сафдан чиқди. Бироздан кейин рота командири капитан Фролов қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Содиқ ака саросималанмасдан дарҳол батальон командирлигини ўз қўлига олиб, жангчиларни олға бошлади. Бу жангда Содиқ ака бошлиқ мудофаачилар ғолиб чиқишди.

Ана шу жангда душманга қарши мудофаани усталик билан уюштиргани, командирсиз қолган батальонга бошчилик қилгани учун Содиқ ака учинчи даражали Богдан Хмельницкий ордени билан тақдирланди.

Бу собиқ пулемёт ротаси командири, истеъфодаги катта лейтенант ҳамшаҳримиз Содиқ Умаровнинг жанговар йилларда кўрсатган мардликларидан бир лавҳа холос. У пойтахтимиздаги 45-ўрта мактабни 1942 йилда тугатди ва 18 ёшли йигитча шу йилиёқ душман билан илк бор Сталинград остоналарида тўқнашди. Шундан кейин у Корсунь-Шевченко ва Варшава йўналишидаги Сандамирск плацдарми операциялари, Висла дарёсидан ўтиш каби ҳал қилувчи жангларда қатнашди, ўлимга тик боқди. Ғалаба йили беомон жангларнинг биридан сўнг шонли партиямиз сафига қабул қилинди.

Бу вақтга келиб, иккита иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши, иккита Қизил Байроқ орденлари ва бир қанча жанговар медаллар унинг кўкрагини безаган эди.

Интизомли, талабчан ва камтарин собиқ жангчи Содиқ ака ҳозир Акмал Икромов районидаги «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилади. У маҳалла жамоат ишларида фаол қатнашиш билан бирга район мактаблари томонидан уюштирилган учрашувларда бажону дил иштирок этади. Жангу-жадал йиллардаги хотираларни ўқувчиларга сўзлаб беради.

А. ҲОЖИХОНОВ,
ишчи-мухбир.

## КИНО ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНАДИ

Совет кино санъати оммани коммунистик руҳда тарбиялаш, янги меҳнат зафарларига чорлаш, халқ ўртасида тинчлик ғояларини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Партия XXVII съезди қарорларида ҳам аҳолига кино кўрсатиш сифатини яхшилаш, тарбия ва ўқув ишида кинони кенг қўллаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитетида шаҳар ва район кинолаштириш идораларининг раҳбарларига иш услубини қайта қуришда амалий ёрдам кўрсатиш учун доимий ҳаракатдаги малака ошириш курси ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Ҳозир ана шу курсда Тошкент шаҳри, Тошкент ва бошқа областлардан келган 20 нафар кино тарғиботчиси — шаҳар ва район кинолаштириш идораларининг раҳбарлари ўқимоқда.

Санъатшунослик кандидати Ҳ. Абулқосимованинг «КПСС XXVII съезди ва идеологик курашда кино санъатининг роли», лектор С. Аникеевнинг «Совет кино санъатининг кенгайтирилган программаси», экономист М. Ходоснинг «Ўн иккинчи беш йилликда совет кино санъатини ва кинематографиясини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» мавзуидаги лекциялари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Программамизда Тошкент шаҳар кинотеатрлари, «Ўзбекфильм», «Узкинохроника» киностудиялари ҳамда В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида бўлиш каби тадбирлар киритилган.

Б. НОСИРОВ,
Фарғона область Қўқон шаҳар кинолаштириш идораси директорининг ўринбосари.

## Қўшиқ — ҳамроҳимиз

Тракторсозлар маданият саройидаги «Гелиос» музика клуби ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш борасида бой тажриба орттирган.

Бундан беш йил муқаддам иш бошлаган ушбу дискоклуб шу орада кўплаб томоша программаларини тайёрлади, талайгина эстрада музикалари янгради. Бунда клуб раҳбари токарь В. Сидоренконинг хизмати катта.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёшларининг таклифига биноан клуб «Севимли эстрада куйлари» деб номланган янги программани тайёрлашга киришди. «Ялла», «Рапсодия» эстрада коллективлари, «Меридиан» триоси ижросидаги оммабоп номерларни ўз ичига олган фонограммалар, қайта ишланган халқ қўшиқлари музика шинавандаларига тақдим этилади. А. АЛИЕВ.



Китоб — бизнинг дўстимиз. Китоб билан бизни дўстлаштирган ўқитувчилар, кутубхоначиларни эса биз устозлар, зиё тарқатувчилар деб атаймиз. Шаҳар болалар кутубхоналарининг марказлашган системаси библиография бўлимининг методисти Светлана Мўминова ана шундай зиё тарқатувчилардан. У айни пайтда Тошкент маданият институтининг 4-курс студенти. У ёш китобхонлар кўнглида китобга, билимга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Суратда: С. Мўминова. Т. Каримов фотоси.

Сўраган эдингиз...

## Йўлланма билан ишга борганда

Ҳурматли редакция! Биз яқинда ҳарбий хизматдан қайтиб келдик. Ҳозир аввалги ишлаётган корхона, ташкилотларда меҳнат фаолиятимизни давом эттирмоқдамиз. Орзуларимиз чексиз. Шулардан бири комсомол-ёшлар кучи билан бунёд этилаётган катта қурилишларда қатнашиш. Масалан, Узоқ Шарққа бориб ишлаш. Бу борада қандай қонун-қоидалар мавжуд? Узоқ ўлкага сафарга отланган киши оилалик бўлсачи? Илтимос, шу ҳақда батафсил тушунча берсангиз».
И. ИСҲОҚОВ, А. ИБРОҲИМОВ, Х. БАҲОДИРОВ, комсомол-ёшлар.

СССР Министрлар Советининг 1984 йил 27 сентябридаги «Ишга қабул қилишни уюштириш ва ёшларни жамоатчилик чақирувини тобора такомиллаштириш» ҳақидаги қарори 1985 йил 1 январдан эътиборан амалда тадбиқ қилина бошлади.

Ташкилий йўл билан ишга юборилаётган шахслар меҳнат бўйича органлар, корхона ва ташкилот билан муайян муддатга меҳнат шартномалари тузадилар.

Ишга уюштирилган йўл билан ёки жамоатчилик чақирувига кўра юборилганлар, бошқа жойга бориш билан боғлиқ бўлган шахсларга ва у билан бирга кўчиб борувчи оила аъзоларига йўл харажатлари берилади.

Муайян муддатга тузилган меҳнат шартномасида ишчининг ўзига нафақа белгиланади. Унга бериладиган нафақанинг тўртдан бир қисми ишчи билан бирга кўчиб кетувчи оила аъзосига ҳам берилади. Бундан ташқари муайян муддатга меҳнат шартномаси тузилганида жамоатчилик чақируви бўйича иш жойига етиб келганларида, шунга қадар корхона, муассаса ёки ташкилотда ишлаганларга, запасга бўшаган ҳарбий хизматчиларга бир ой тариф ставкаси миқдоридаги нафақа янги иш жойидан берилади. Сафарга ҳозирлик вақти ва янги иш, яшаш жойига боришга кетган вақтлар учун, тариф ставкаси ҳисобига кўра ойлик пули 6 кундан ошмаслиги шарти билан тўланади.

Оила аъзоларининг кўчиб бориш ҳақи, мол-мулкини ташиш ва уларни бир йўла нафақа билан таъминлаш ҳуқуқи, агар улар ишчига турар жой берилганидан кейин у бир йил ичида кўчиб кетмаса ёки ишчи билан корхона, ташкилот ўртасида тузилган меҳнат шартномаси 2 йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бўлсагина сақланади.

Компенсация тўлаш бўйича ҳамма харажатлар уюштирилган қабул йўли билан ёки жамоатчилик чақируви бўйича юборилаётган корхона ёки ташкилот зиммасига юкланади.

А. ҲАСАНОВ,
юрист.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

## «ПУЛ ТЎЛАМОҚЧИМИСИЗ?»

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1985 йил 2 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада шаҳардаги бир қанча кирим кассаларининг дуруст ишламаётганлиги, бунинг оқибатида аҳоли қимматли вақтини навбат кутиш ва сарсон бўлиш билан ўтказаётгани конкрет мисоллар орқали танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар омонат кассалари бошқармасидан юқоридаги мақола юзасидан келган жавобда айтилишича ҳозирги кунда Собир Раҳимов районининг «Келес» автостанцияси яқинида жойлашган 8050/037-омонат кассаси бир маромда ишлаяпти, аҳолидан кирим ҳақларини мунтазам равишда қабул қилиб оляпти.

3649/0349-омонат кассасида кирим ҳақларини икки хизматчи смена билан аҳолидан қабул қилиб оляпти. Бу кассада навбат кутиб турувчиларнинг сонини қисқартириш мақсадида ҳозирги вақтда кирим ҳақларини қабул қиладиган яна бир кассир ўқитиляпти. Ўқув тугагач бир вақтнинг ўзида икки ходимнинг аҳолидан кирим ҳақларини қабул қилишлари йўлга қўйилади.

Асбобсозлик заводи ёнидаги 3640/0168-омонат кассасидаги аппарат бузилганлиги сабабли икки кун мобайнида ишламаган. Касса аппарати тузатилди, кирим ҳақлари бир меъёрда қабул қилиб олинмоқда.

Ленинград кўчасидаги 14/0287-омонат кассаси бино ремонти муносабати билан ёпиқ. Бу касса ходимларининг аҳолига хизмати Ўзбекистон проспектидаги 14/041-омонат кассаси хонасида йўлга қўйилган.

Ҳозирги вақтда бошқарма аппарати томонидан шаҳардаги барча омонат кассаларининг иши текширилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилашдир. Омонат кассаларининг аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ишлари шаҳардаги марказий омонат кассалари масъул ходимлари иштирокида ўтказилган кенгашда муҳокама қилинди.

Акс садо

## «ЙЎЛДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР»

«Тошкент оқшоми», 1986 йил 12 февраль

## Таклиф кўп. Самарачи?..

**«ЙЎЛДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР» мақоласи босилгандан кейин редакция оқшомхонлардан кўплаб хат-хабарлар, мактублар олди. Яширишнинг ҳожати йўқ, бу мактубларнинг кўплари аччиқ зарда билан ёзилган. Демак, пойтахтимиз пассажир транспорти ишини яхшилаши шарт. Демак, транспорт ишида йўл қўйилаётган хатолар, камчиликлар ҳали ҳам мавжуд ва бу ҳамшаҳарларимизнинг ҳақли равишда ранжишига сабаб бўлмоқда.**

**Нима қилиш керак!**

**Бу саволга қатъий амалий жавобни шаҳар транспортининг масъул раҳбарларидан кутган эдик. Афсуски улар ҳанузгача мум тишлагандай жим туришибди. Редакцияга бу масалада келаётган хатларнинг эса кети узилмайди. Хатлар. Газетанинг ўша сони орқали тарқатилган «ТРАНСПОРТ ИШИНИ ҚАНДАЙ ЯХШИЛАШ КЕРАК» деб номланган анкетага келган жавоблар ҳам мазкур масалада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўплигидан далолат беради. Яхшиси хатларнинг ўзига мурожаат қилайлик. Йўловчи Исмоил Саъдуллаев шундай деб ёзибди:**

«Метро хизматига менинг эътирозим йўқ. Бироқ трамвай, троллейбуслар ишига келганда, газетада айтилган гаплар ҳақ. Ҳақиқатан ҳам уларнинг турна қатор бўлиб туриши «анъана»га айланмоқда.

Энг ёмони — автобуслар хизмати. Автобус маршрутларидаги аҳвол бизни қониқтирмайди. Айниқса эрталаб ва оқшомлари автобусга чиқиш амри маҳол. Кўпчилик ишдан кейин, кечқурун бозор қилади. Қўлда юк билан автобусга чиқиш қийин. Бунинг устига ҳайдовчилар зарур бекатларда фақат олдинги эшикни очиб, йўловчиларни битта-битталаб туширишдан асло истиҳола қилишмайди.

Менинг бу фикримни эрталаб ва кечқурун Шифокорлар шаҳарчаси томонга йўли тушган ҳар бир йўловчи тасдиқлаши мумкин. Шунингдек, кечқурун соат еттилардан сўнг кўпгина маршрутларда маршрут номери йўқ автобусларнинг пайдо бўлиб қолишини кўриш мумкин. Бундай автобусларнинг ҳайдовчилари ҳатто «заказной» автобус» деб айтишдан ҳам тойишмайди. Ким заказ қилган, нима учун — бунисини билиш қийин. Бундай манзарани 41, 75, 78, 87, 64-автобуслар маршрутида кузатиш мумкин.

Мен биринчи навбатда диспетчер ва ҳайдовчиларнинг виждонини уйғотишни таклиф қилардим. Бунинг учун тегишли раҳбарлар интизом назоратини кучайтиришлари керак. Айбдорлар коллектив ўртасида очиқ-ойдин, коммунистчасига муҳокама қилиниб, жиддий чоралар кўрилиши лозим. Ҳолбуки, кўпгина раҳбарлар бу масалада бирор бир аниқ тадбир кўришга шошилмаяптилар.

Менимча, биринчи навбатда маршрутлар бўйлаб ўтказиладиган рейдларнинг самарадорлигини ошириш керак. Энг муҳими — одамларнинг автобус, троллейбус ва трамвайдан қайси вақтда кўпроқ фойдаланишларини инобатга олиб, маршрут графикларини тартибга келтириш керак...»

**Кўриниб турибдики, хат самимий куюнчаклик билан ёзилган. Газетхон транспорт ишини яхшилаш учун фойдали тадбирни ўртага ташламоқда. Бироқ...**

«Бироқ ҳали бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар талайгина, — деб ёзибди слесарь А. Тўлаганов. — Мени шаҳар автобусларининг хизмати умуман қониқтирмайди. Нима учун? Сабаби шундаки, улар график бўйича қатнамайди. Айниқса эрталаб ишга боришга қийналамиз. Мен кўпинча 61-автобусдан фойдаланаман. Буни қарангки, бу маршрутдаги автобуслар сони кам бўлишига қарамай, охирги бекатда салкам ярим соатлаб туриб қолади. Ахир бу вақтнинг ичида борадиган манзилга етиб олиш мумкин-ку? Бундан ташқари, ҳар бир бекатда фалон автобус 7-10 минут интервал билан ҳаракат қилади, деб ёзиб қўйилган. Аслида эса бунга бирор марта ҳам амал қилинмайди. Транспорт ишини яхшилаш ҳақидаги таклифга келганда шуни айтмоқчиман: транспортчиларимиз, айниқса бу соҳадаги мутасадди раҳбарлар Москва, Киев, Ростов-Дон ва шунга ўхшаш бир қатор шаҳарларнинг транспорт ишидан ўрнак олсалар арзийди. Бу шаҳарларда транспорт қатнови қаттиқ график асосида тартибга келтирилган. Бу ўринда кўп сонли йўловчиларнинг талаб ва истакларидан фойдаланилса яхши самара беради».

**Биз редакцияга келган хатлардан атиги иккитасинигина келтирдик. Хатларнинг мазмуни бир-бирига ўхшаб кетади. Бу — табиий ҳол. Аксарият газетхонлар ўз хатларида — транспорт ишининг, айниқса автобус маршрутларидаги аҳвол уларни қониқтирмаслигини ёзиб юборишган. Ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини айтишган. Таклифлар ҳақиқатан ҳам яхши, хайрли. Улар амалда ўз ифодасини топса яна ҳам яхши бўларди. Бироқ, баъзи йўловчилар «БИЗ ТАКЛИФ КИРИТДИК НИМАЮ, КИРИТМАДИК НИМА, БАРИБИР ТРАНСПОРТНИНГ МУТАСАДДИ РАҲБАРЛАРИ БУНИ ЭЪТИБОРГА ОЛИШМАЙДИ» сингари аччиқ сўзларни ҳам ёзиб юборишибди. Қанчалик аччиқ бўлмасин, буни тан олишдан бошқа иложимиз йўқ. Нега деганда, таклифлар айтилаверсаю, уларнинг амалий томони билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса — бундан ёмони йўқ. Шунинг учун редакция ҳам ана шу таклифларнинг амалда жорий этилиши тарафдоридир. Бу хусусда «Главташпассавтотранс» бошқармаси раҳбарларининг амалий жавобига мунтазирмиз.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЕДАКЦИЯСИНИНГ ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ ВА ТРАНСПОРТ БЎЛИМИ.**

Куюнчаклик билан ёзилган

## КЎЗ ТИКИБ...

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир ҳамшаҳримиз ҳар куни эрта тонгда ишга боради. Ишга бориш учун эса унинг биринчи келиб тўхтайдиган жойи транспорт бекати эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Гарчанд бекат сўзи жуда ҳам беғараз жарангласада, ишга шошилувчи ҳамшаҳарларимизнинг кўпчилиги уни эшитганда кўнгиллари салгина ғаш бўлади. Ана шу ғашликнинг баъзи сабабларини аниқлаш, уларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилмоқчимиз.

Айтайлик, Юнусобод массивининг 17-кварталида 9, 60, 82-автобуслар келиб тўхтайдиган сўнгги бекат бор. Бу ер шунингдек 8-маршрутканинг ҳам охирги қароргоҳи. Сўнгги бекат бўлгандан кейин бу ерда диспетчерлик пункти ҳам бўлиши табиий. Мазкур квартал истиқоматчилари нима учун ана шу бекатда ярим соатлаб ва баъзан, ҳатто салкам бир соатлаб вақтларини транспорт кутишга сарфлашмоқда? Албатта, бу савол автобусларга тааллуқли эмас. Шу квартал «Ленинград» меҳмонхонаси маршрути бўйича қатнайдиган 8-маршрут таксига кўпроқ тааллуқли эканлигини худди шу маршрутда қатнайдиганлар яхши билишса керак, деб ўйлаймиз.

Ҳар куни мазкур линияда тўртта «маршрутка» хизмат кўрсатиши керак. 2-маршрутли таксилар паркидаги диспетчерлик пунктидан сўрасангиз ҳам худди шундай дейишади. Бироқ кўпгина ҳолларда линияда атиги иккитагина «маршрутка» хизмат кўрсатиб юрган бўлади. Шу сабабли бекатдагилар унинг йўлига зор-интизор кўз тикиб туришга мажбурдирлар.

Хўш, қолган иккита «маршрутка» қаерларда юради? Иш вақтида нима иш қилади ва кимга хизмат кўрсатади?

Масаланинг иккинчи томони: одатда оқшом пайти барча уйига қайтиши ҳаммамизга маълум. Айтайлик, иш куни соат 7 да тугаган ҳамшаҳарларимиз Максим Горький метро станциясининг автобус бекатида деярли ҳар оқшом тумонат одам тўпланиб туришининг гувоҳи бўладилар. Айниқса, Қорасув массивига қатновчилар учун бекатда, бунинг устига ишдан кейин соатлаб транспорт кутишнинг ҳеч қандай қулай томонлари бўлмаса керак. Қорасувга қатнайдиган 63-маршрутдаги автобуслар хизмати яхшиликка яхши, бироқ барибир, бекатдаги йўловчиларнинг эҳтиёжи қондирилмаётгани ачинарли ҳолдир. Автобуслар кўпинча бекатда тўхтамай ўтади. Тўхтаса ҳам бекатдаги йўловчилар автобусга чиқолмай қолиб кетаверишади. Бундай муаммони 64-автобус, 65-автобуслар маршрутида ҳам кузатиш мумкин. Бу аҳволни тузатиш мумкинми? Мумкин бўлса йўллари қандай?..

С. САЛОҲИДДИНОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

